ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТЛАРНИНГ ИСЛОМ ДИНИ РУҲОНИЙЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ СИЁСАТИ

И.А. Алимов, Ш. Ҳошимжонов

Мақолада Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида ислом дини ва унинг руҳонийларига қарши, уларнинг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган сиёсати мавзуга оид манбалар ва архив ҳужжатлари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *ислом дини, мусулмон руҳонийлари, мадраса, масжид, вақф мулклари.*

В статье освещена политика советского правительства против ислама и его духовенства, направленная на ограничение их прав в первые годы Советской власти на основе источников, относящихся к данной теме, и архивных документов.

Ключевые слова: *ислам, мусульманское духовенство, медресе, мечеть, вакуфное имущество.*

On the basis of historical and archival documents the article investigates Islam and its clergy, and the ways of limiting their rights by the government in the early years Soviet regime.

Key words: *Islam, muslim spirituals, madrasah, mosque, vaqf properties.*

Мустақилликка эришилгандан кейин Ўзбекистон тарихини турли мафкуравий тазйиқлардан холи, ҳаққоний тарзда акс эттириш имконияти яратилди. Тарихни илмий асосда холисона тадқиқ қилишга киришилди. Тарихчилар зиммасига Совет мафкурасига бўйсундирилган ёки яшириниган тарихий ҳақиқатни тиклаш ва халққа етказиш вазифаси юкланди. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек: “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантири-

шимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур” [1.25].

Мустабид тузум ислом дини соҳасида амалга оширган сиёсатнинг аянчли оқибатлари бўйича тадқиқот олиб боришга совет даврида йўл берилмаган. Натижада мазкур масала ҳозирга қадар ҳам етарли тадқиқ қилинмаган. Ушбу мақолада шу масаланинг бир қиррасига тўхталамиз.

Қуролли тўнтариш оқибатида ҳокимият тепасига келган большевиклар хусусий мулкчиликни йўқотиш, бозор муносабатларини бекор қилиш, қадимдан шаклланиб келган миллий маънавият, ахлоқ, урф-одат, қадриятларни пролетар маданияти билан алмаштириш, динга қарши курашни амалга ошириш орқали ўз ҳокимиятини барқарор ва бардавом қилишни мақсад қилганлар. Бу мақсад йўлида большевиклар қаршисидаги энг катта тўсиқ дин ва диндорлар эди. Ўз мақсадлари йўлида советлар халқимиз маънавияти ислом дини билан чамбарчас боғланиб кетгани билан умуман ҳисоблашмади, натижада ислом динига нисбатан юритилган сиёсат ўзбек халқи маънавиятига жиддий путур етказди.

1917-1920 йилларда большевиклар ўлкадаги шарт-шароитларни ҳисобга олмай тўғридан-тўғри социализмга ўтишга ҳаракат қилдилар. Бу 1917 йил 26 октябрда қабул қилинган “Ер тўғрисида”ги декретда яққол намоён бўлди. Декретга асосан, барча ерлар, жумладан, мадраса, масжид ва бошқа диний ташкилотларга тегишли вақф ерларини ҳам давлат ихтиёрига ўтказиш кўзда тутилган. Бунга сабаб, декретнинг эксплуататор сифатида черков ва монастир ерларини ҳам барча мол-мулки билан ер комитетларига бериш тўғрисидаги банди сабаб бўлди [2.35].

Декрет умумиттифоқ аҳамиятига молик бўлиб, унда ўлканинг ўзига хос хусусиятлари умуман ҳисобга олинмаган эди. Россиянинг марказий ўлкаларидан фарқли ўлароқ, Туркистон ўлкаси аҳолиси ҳаётида ислом дини катта ўрин тутарди. Шунга боғлиқ равишда вақф масаласи ҳам большевиклар учун оғриқли масалалардан бири эди. Вақф ерлари маҳаллий халқ назарида муқаддас бўлиб, қурби етган кишилар савоб олиш ниятида диний ташкилотларга ўз мулкларидан вақф қилиб берардилар. Бу мулклардан олинган даромадлар турли диний, маданий-маърифий ташкилотлар ва уларнинг ходимлари таъминотига сарфланарди.

РСФСР ХКС нинг 1918 йил 20 январдаги “Виждон эркинлиги, черков ва диний жамиятлар тўғрисида”ги декрети туфайли Туркистонда асрлар давомида шаклланган мадраса ва мактаблар фаолияти, уларнинг вақф мулклари таҳдид остида қолди. Декретга кўра, дин давлатдан, мактаб эса черковдан ажратилди. Натижада диний мактаблар юридик шахс сифатида ўз мақомини йўқотди. Бироқ ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда диний мактабларни тўлиқ тугатишга совет ҳукуматининг қурби етмас эди. Туркистондаги мактаб ва мадрасалар 1920 йиллар охирига қадар фаолият олиб борди.

1920 йилга қадар ўлкадаги диний муассасаларнинг иқтисодий таянчи бўлган вақф ерлари масаласини ҳал этиш ортга суриб келинди. Бироқ жойларда вақф ерларини национализация қилиш ҳоллари кўплаб учради. 1920 йил 17 ноябрда Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва ХКСнинг “Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикасида ердан фойдаланиш ва ер тузиш тўғрисидаги Низом”и қабул қилинди ва унга кўра “Вақф ерларининг ҳаммасини болалар боғчалари, етимхоналар, коммуна-мактаблар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар ташкил қилиш учун Маориф Халқ Комиссариатига ўтказиш, бу мақсадлар учун фойдаланилмаганларини эса умумий ер тузиш ишларига бериш” белгиланди [2.116]. Бундан кўзланган асосий мақсад ислом руҳонийларини вақф ерларидан маҳрум қилиш, уларнинг моддий базасини заифлаштириш, маҳаллий аҳолига таъсирини сусайтириш эди. Шу билан бирга, вақф мулкларидан келадиган жуда катта даромадни совет ҳокимиятининг маданий-маърифий ишларига сарфлаш кўзда тутилган.

1917-1922 йиллар оралиғида республика ва маҳаллий партия ҳамда совет органлари вақф мулкларини диний ташкилотлардан тортиб олиш, руҳонийларни бу мулклардан тушадиган даромадлардан маҳрум қилиш, уларнинг турли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини бекор қилиш чора-тадбирларини қўлладилар. Большевикларнинг диний сиёсати нафақат руҳонийлар, балки, диндорларнинг, оддий халқ оммасининг ҳам советларга нисбатан норозилиги ортишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида кўплаб руҳонийлар 1918 йилда бошланган қуролли қаршилик ҳаракатининг раҳнамоларига айландилар. 1920 йилга келиб Россияда фуқаролар уруши якунига етган бўлиб, ўлка большевиклари марказдагиларга Туркистондаги бу ҳаракатнинг авж олишига вақф ерларининг тортиб олингани, ислом дини руҳонийларига қарши сиёсат олиб борилганини сабаб қилиб кўрсатдилар. РСФСР ҳукуматини ташвишга солган асосий нарса Шарқий Бухорода Анвар Пошшо раҳбарлигидаги истиқлолчиларнинг фаоллашгани ва уларнинг Туркистон истиқлолчилари билан алоқа боғлагани, биргалашиб советларга қарши курашишга келишиб олишгани эди [3.60].

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган РСФСР ҳукумати ва РКП (б) Марказий Комитети Туркистонда

олиб борилаётган диний сиёсатни бироз юмшатишга қарор қилди. Бу йўлдаги биринчи қадам шуки, РКП (б) МК 1922 йил 18 майда Туркистон ва Бухоро ишлари ҳақида махсус қарор қабул қилиб, “Вақф ерларини уларнинг собиқ эгаларига қайтариб бериш зарур” деб маҳаллий совет ва партия органларига кўрсатма берди. Марказнинг бу кўрсатмаси 1922 йил 26 майда Туркистон Марказий Ижроия Комитети Пленумида муҳокама қилинди. Пленум РКП (б) нинг кўрсатмасига асосланиб, ўлкада ислом дини ва шариат асосларига қарши курашни тўхтатиш кераклигини белгилади [4.952]. 1922 йил 20 июнда Туркистон АССР советлари Марказий Ижроия Комитети республикадаги мадраса ва масжидларга вақфларни қайтариб бериш тўғрисида декрет қабул қилди [5.21]. Декретга асосан, Туркистоннинг Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятларидаги барча вақф мулклари вақфномалар асосида диний ташкилотларга қайтариб берилган. Вақф мулкларидан тушган барча даромадлар мадраса, масжид, мактаб ва бошқа диний ташкилотлар ихтиёрига берилди. Бунинг натижасида мадраса, масжид ва мактабларнинг моддий аҳволи яхшиланган. Уларнинг биноларини таъмирлаш, шахсий таркибини, талабалар ва мактаб ўқувчиларини таъминлашга имконият яратган.

Масжидларнинг вақфлари, қандай мулклардан иборат бўлишидан қатъи назар, уларнинг ихтиёрида қолдирилган. Мадраса ва вақфларни бошқариш эса сайлаш ва коллегиал асосда олиб борилган. Қўқон, Андижон, Наманган, Эски Марғилон, Самарқанд ва Хўжандда уезд коллегиялари ташкил қилинган бўлиб, унинг таркиби 5 нафар сайланган ва битта тайинланган инструктордан иборат бўлган. Сирдарёда мадрасалар кам бўлгани учун уезд коллегияси ўрнига битта вилоят коллегияси Тошкент шаҳрида тузилган. Мадрасалари 20 тадан ошмаган Ўш, Каттақўрғон ва Жиззахда 3 та сайланган ва 1 та тайинланган инструктордан иборат кичик коллегиялар тузилган [3.57].

Умумий олиб қаралганда, вақф тўғрисидаги биринчи декрет мадраса ва масжидларнинг ҳуқуқларини чекламади, уларнинг вақф мулкларини ўзлари тасарруф қилишларини белгилаб берди. Совет ҳукумати бу орқали ислом дини, шариат қоидалари ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан ҳеч қандай ғарази йўқлигини кўрсатмоқчи, бу билан ўлкадаги оғир сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга ҳаракат қилган эди.

1922 йил 31 июлда Туркистон Марказий Ижроия Комитети мусулмонларнинг диний байрами бўлмиш Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги декретни эълон қилди [6.10]. 1923 йил 9 июлда эса Туркистон АССР Меҳнат Халқ Комиссарлиги “Байрам ва дам олиш кунларини белгилаш тартиби” бўйича қарор чиқарди. Қарорда диний байрамлардан Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш ва мос равишда 2 ва 3 кундан дам олиш кунлари белгиланган [7.60]. 1923 йил 23 июлда Меҳнат Халқ Комиссарлиги “Мусулмон байрамлари кунларида ишлаб чиқаришни тартибга солиш тўғрисида” қарор қабул қилиб, юқоридаги қарорга изоҳ сифатида марказда ва жойларда Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларида ишлаб чиқаришда банд бўлиш ва бу кунлардаги иш ҳақларини ушлаб қолиш, ҳатто ишчиларнинг катта қисмини мусулмонлар ташкил этган тақдирда ҳам тақиқланди [7.61].

Ўлкадаги вазият советлар фойдасига ўзгара бошлаши билан ислом дини ва унинг руҳонийларига қарши сиёсатнинг янги тўлқини бошланди. 1922 йил 28 декабрдаёқ “Вақф тўғрисида”ги янги декрет қабул қилинди [3.62]. Янги декрет олдингисига қараганда анча кескин бўлиб чиқди. Вақф мулклари расман диний ва маданий-маърифий ташкилотлар қарамоғига ўтказилгани қайд этилган бўлса-да, амалда бу вақфларни, улардан тушадиган маблағларни давлат идоралари – Бош вақф бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари бошқардилар. Вақф органлари ўз фаолиятини тушган вақф даромадидан ташкил қилган. Жойлардаги вақф бўлимлари барча маданий-маърифий ташкилотларнинг вақф мулкларини ижарага берган ва даромадлар бўлим кассаларига тушган. Фақатгина диний вақф ҳисобланган масжид вақф мулкларини бошқариш мутаваллилар қўлида қолдирилган, уларнинг даромадлари вақф бўлимлари кассаларига тушмаслиги қайд қилинган. 1923 йил 4 мартда Туркистон ХКСнинг “Туркистон МИКнинг 1922 йил 28 декабридаги “Вақф тўғрисида”ги декретни татбиқ этиш тартиби ва усули ҳақидаги Низом”и қабул қилинди [3.62]. Унга кўра, Маориф Халқ Комиссариати қошидаги Бош вақф бошқармаси вазифалари белгиланган. Бошқарма ташкилий-ахборот, академик ва молия-хўжалик бўлимларидан иборат эди. Бош вақф бошқармаси ўз фаолиятини вақф мулкларини ҳисобга олиш, эски мактабларни ислоҳ қилиш, инқилобий ғояларни сингдириш, вақф мулкларидан тушган даромадни, асосан, совет мактаблари ва совет ҳукуматининг маданий-маърифий тадбирларини ташкил этишга сарфлашга қаратди. Советларнинг вақф мулкларини чеклаш ва тугатишга қаратилган сиёсати йилдан-йилга кучайиб борди ва охир-оқибат 1928 йилда вақф мулкларининг бутунлай тугатилиши билан якунланди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Совет ҳукумати динга, хусусан, ислом динига доимо қарши бўлган

ва жамият ҳаётидан юлиб ташлашга ҳаракат қилган. Халқ онгига атеистик қарашларни жойлаштириш, Худосизлар жамиятини қуришга интилган. Дин уламоларини эса жамиятни қоронғуликда тутиб турувчи, эзувчи синф вакиллари сифатида кўрсатишга уринган. Доимо динга ва унинг руҳонийларига босим ўтказишга ҳаракат қилиб, динга қарши сиёсат олиб борган. Юқорида кўрсатиб ўтганимиз диний сиёсатни юмшатиш ва маълум енгилликлар бериш эса қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун советларнинг қилган найранглари эди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926). Сборник документов. Составители: Р.Х.Аминова, И.А.Алимов, Л.Г.Тетенева, Г.Л.Дмитриев.- Т.: Издательство Академии наук Узбекский ССР, 1962.
3. Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929).- Т.: Фан, 2009.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 17-фонд, 1-рўйхат, 55а-йиғмажилд, 952-варақ.
5. ЎзР МДА, 17-ф, 1-р, 317-й., 21-в.
6. ЎзР МДА, 17-ф, 1-р, 315-й., 10-в.
7. ЎзР МДА, 17-ф, 1-р, 364-й., 60-в.

Андижон давлат университети,
2015 йил 1 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.н. М.Алиҳожиев)